



2013 йил 31 октябрь,  
пайшанба, 44 (520)-сон

# XASR



IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Газета 2004 йил  
1 январдан чиқа бошлаган.  
e-mail: axborot@xasr.uz  
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ёшлар учун  
бизнес  
формула

4 ПАРТИЯВИЙ  
ЛОЙИХАЛАР



Қўйи бўғин  
аъзолари ўз  
кучига  
ишонмоқдалар

5 ҚЎЙИ  
БЎҒИНЛАРДА



«MAN-UZBEKISTAN»:  
Мақсад —  
самарадорликни  
янада ошириш

7 САНОАТ

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

### Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришган спортчиларни мукофотлаш тўғрисида

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шўхратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

#### «Ўзбекистон ифтихори»

Нурудинов Руслан Шамилевич — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Алимов Улугбек Абдумажитович — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 30 октябрь

## Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган

Тошкентда «Мамлакатни модернизация қилиш шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди

Конференция Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Омбудсман институтини, Адлия вазирлигини, Ички ишлар вазирлигини, Бош прокуратура, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастури, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Европа Иттифоқи лойиҳаси, Германиянинг Ф.Эберт ва К.Аденауэр номлидаги жағғармалари кўмагида ташкил этилди. Тадбирда АКШ, Буюк Британия, Франция, Финляндия, Исландия, Хитой, Корея Республикасидан инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик миссиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилуш органлари, таълим, илмий муассасалар, нодавлат ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ходимлари қатнашди.

Тадбир БМТ ташкил тоналган кун ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 65 йиллигига бағишланди. Анжун

машини жаҳон миқёсдаги бошқа муҳим воқеалар — Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракат дастури қабул қилингани, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари лавозимининг таъсис этилгани, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар «Париж принциплари» қабул қилинганининг йиғирма йиллигига тўғри келгани раъзи маънога эга.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доамида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга асосий эътибор қаратилган ҳуқуқий майдон яратилгани таъкидланди. Мамлакатимиз Конституциясида умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги принциплари мустаҳкамланган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича етминдан ортик халқаро ҳужжатга қўшилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этиш ҳамда ҳимоя қилиш борасида зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит ва кафолатларни яратиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

2 >>

## Ишбилармонлик муҳити

УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БАНК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Иқтисодийни барқарор юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратиш борасидаги ислохотлар изчил олиб борилаётгани натижасида иқтисодий таянчига айланб улгурган хусусий сектор Ўзбекистонда мустаҳкам оёққа туриб олди.

Айниқса, Президентимиз фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кейинги йилларда амалга оширилаётган ўзгаришлар соҳани янада ривожлан-

тириш учун кенг имкониятлар яратди.

Бу жараёнда банк тизими ҳам фаол иштирок этапти. Хусусан, 2011-2015 йилларда республика

молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналешлари дастурига мувофиқ, молия-банк тизимининг қонунчилик базаси янада такомиллаштирилганидан кейин соҳадаги ўзгаришлар сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилди.

6 >>



Солмак ЗОИР олган суратлар

## Имконият ва имтиёزلардан — реал натижаларга

О'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Оила ва жамият фаровонлигини янада юксалтиришда аёллар тадбиркорлигининг роли» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди

Кейинги ўн йилда Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигига ажратилган кредитлар миқдори 32 баробарга ошиб, ана шу даврда унуб соҳага 1 трлн. 900 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Бу, шубҳасиз, истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасидир.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, Хотин-қизлар қўмитаси ва партиянинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этган тадбирда ана шундай рақамлар таҳлил этилиб, хотин-қизларнинг

ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада ошириш, бандлик масалаларини ҳал этишда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, партия олдидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

3 >>

**КЕПҒСИ САНПАРДА:**

**Самарқандда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатида хотин-қизлар иштирокининг тобора кенгайиб бораётгани, партия аъзоси бўлган опанисилларимизнинг қарийб минг нафардан ортиғи ана шу соҳада фаолият олиб бораётганини алоҳида қайд этиш мумкин.**

*Муродулло Холмухамедов,  
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси*

## Интеллектуал салоҳият ва маънавий иммунитет

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

О'zLiDeP фракцияси томонидан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилган миллий ахборот тизимларини янада ривожлантириш истиқболлари» мавзуида ўтказилган навбатдаги семинарда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубовнинг қайд этилишича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи бу инсондир. Айниқса, жисмонан ва маънан туқ, мустақил фикрловчи, қатъий позицияга эга, ҳаётда ўз

муносиб ўрнини топишга қодир ёшларни тарбиялаш давлат ва жамият қурилишини модернизациялаш борасидаги либерал-демократик ислохотлар муваффақиятини муҳим шартни ҳисобланади. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP маълакатимизда қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг долзарб йўналиши сифатида навгир

рон авлод вакиллариининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, бундай долзарб вазифанинг ҳал этилиши ёшларни уларнинг интеллектуал даражасини юксалтириш учун зарур бўлган ахборотлар билан таъминлашга бевосита боғлиқдир.

4 >>

1 Австралия доллари	▼ 2088.5	1 АКШ доллари	▲ 2173.94	1 Хитой юани	▲ 357.33	1 Туркия лираси	▼ 1097.84	10 Япония иенаси	▲ 222.72
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3517.65	1 Миср фунти	▲ 315.54	1 Малайзия рингити	▲ 693.22	1 Швейцария франки	▲ 2434.97	1 Россия рубли	▲ 68.63
1 Дания кронаси	▲ 402.34	1 Исландия кронаси	▲ 18.15	1 Польша злотийси	▲ 718.16	1 ЕВРО	▲ 2950.08	1 Украина гривнаси	▲ 271.98
1 БАА дирҳами	▲ 591.89	1 Канада доллари	▼ 2083.32	1 СДР	▲ 3365.28	10 Жанубий Корея вони	▲ 20.49		

Тинчлик ва барқарорликнинг мустақамлигини таъминлаш учун курашиш ҳар биримизнинг энг асосий бурчимиздир.

## МУНОСОБОТ

# Амалий хулосалар ва тинчликка даъват

Президентимиз Ислон Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Президентимизнинг минтакавий ва халқаро масалаларга оид ҳар бир чиқиши жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган амалий хулоса ва тақлифлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи қунларданок изчиллик билан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаяптир. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятни концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар юртимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжихатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, бахтли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўзаро ишонч, тенглик, манфаатдорлик асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, дунё микёсида тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни туфайли давлатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ошиб бораётир.

Ислон Каримовнинг халқаро майдонда қизин кутиб олинган ташаббусларидан бири Марказий Осиёни ядро қуриладан ҳоли ҳудудга айлантириш фоясидир. 2006 йил 8 сентябрда Козонининг Семипалатинск шаҳрида минтақамизнинг беш мамлакат томонидан шу тўғридаги шартнома имзоланди. Бу глобал ядровий хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўйди.

Президентимиз ўтган асрнинг 90-йиллари бошида терроризм ва экстремизм халқаро микёсда илдиш отиб бораётганини, унга қарши барча давлатлар биргаликда курашиши зарурлигини таъкидлаган.

Бутун дунёда рўй берган террористик ҳаракатларга назар солинса, бу балон офат барча қитъаларга ёйилганини кўриш мумкин. Терроризм ва экстремизм турли минтақаларда турли шаклларда намоён бўлмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, давлатларнинг террористик ва экстремистик ташкилотларга ҳар хил ёндашуви уларнинг яшовчанлигини таъминлаётган асосий омиллардандир. Бир давлатда бундай ёвуз кучларга қарши жиддий чоралар кўрилаётган пайтда, бошқа мамлакатда улар деярли тўсиқларсиз фаолият юритмоқда.

Шу боис Президентимиз ўз нутқида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймайлик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу тарихдан сабоқ чиқариб, масалани аҳамиятини теран аниқлаб, вазиятни тўғри баҳолаб чиқарилган реал ва мантқий хулосалардир. Зеро, терроризм ва экстремизм чегара билмас экан, унга қарши курашиш ҳам глобал даражада олиб борилиши керак.

Ўзбекистон «Кўшнинг тинч – сен тинч», деган ҳалқ ҳикматида амал қилиб, аввалбоддан Афғонистонда

тинчлик ўрнатиш ҳаракатида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга қақирди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига

## Президентимиз ўз нутқида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймайлик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

қарши халқаро эмбарго қўйиш тақлифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини тақлиф этди. 1997 йилда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини, 2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақлифини илгари сурди.

Бутунги кунга келиб, Афғонистондаги можарони ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини дунёнинг аксарият мамлакатлари эътироф этмоқда.

Президентимиз ўз нутқида ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратди. Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотини шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон ҳалқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсати катъий амал қилишини кайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари Хамдўстлик мамлакатларини ҳам шундай йўл туттишга, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ўзига хос қақирқ бўлди.

Зеро, иқтисодий тараққиёт учун, халқларнинг фаровон ва бахтли яшаши учун энг аввало тинчлик, барқарорлик, хотиржамлик керак. Тинчлик бор жойда ҳар соҳада юксалиш бўлишини, эл-юрт обод, одамлар ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаши мумкинлигини жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон мисолида кўриб турибмиз. Бунинг жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Шунинг учун тинч-фаровон ҳаётнинг қадрига этиш, тинчлик ва барқарорликнинг мустақамлигини таъминлаш учун курашиш ҳам биримизнинг энг асосий бурчимиздир.

Анвар САМАДОВ,  
ЎзА шарҳловчиси

# Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шу мақсадда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга доир улкан ишлар амалга оширилди. Мазкур тизим, чунинчи, инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчилигимиз ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига босқичма-босқич имплементация қилиш бўйича ўз моделига асосланган.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг қатор йўналишлари бўйича дунёнинг аксарият давлатларига намуна бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Масалан, 2008 йилнинг январидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани халқаро ҳамжамиятнинг кенг эътирофи сазовор бўлди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётига «Хабес корпус» демократик институтлари, Миранда Қондаси, ярашув институти қўриб эгилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда, суд-ҳуқуқ соҳасини янада эркинлаштиришга доир бошқа чоралар кўриломоқда.

Бутунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида саккизта конституциявий қонун, 15 кодекс ва 600 дан зиёд қонун қўлланилмоқда, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Масалан, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ҳақамлик судлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасида ногиронларни иқтисодий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги тахрири), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, БМТнинг тегишли қўмиталарига халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисобот бериш тизими ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон халқаро мажбуриятлар бажарилиши ҳақидаги маърузаларни ўз вақтида тайёрлаб жўнатмоқда, сўнгра ушбу маърузаларни кўриб чиқиш натижасига кўра, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгаши тавсияларини бажаришга доир ҳаракат режасини ишлаб чиқмоқда. Ўтган вақт мобайнида фуқаролар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича ўттиздан ортиқ миллий маъруза тақдим этилган, ўнга миллий ҳаракат режаси қабул қилинган. Бу мамлакатимиз халқаро ҳамкорликни демократлаштириш ва жадал ривожлантириш соҳасида мавжуд ютуқларни янада мустақамлаш сари изчил ҳаракат қилаётганидан далолат беради.

«Мазкур тадбир нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳимдир, – деди Европа Иттифоқининг «Қонун устуворлиги бўйича Европа Иттифоқи-Марказий Осиё платформаси» лойиҳаси раҳбари Хавьер Барре. – Конференцияда шахс ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида мекан қилаётган таққил халқаро экспертларнинг иштирок этгани тадбир юксак савияда ташкил этилганидан далолат беради. Ўзбекистондаги лойиҳа мизнинг амалга оширилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, шунга қарамадан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Бутун маъмурий ҳуқуқни такомиллаштириш, жинсий одил судлов ва суд тизимида ислохотларни амалга ошириш каби йўналишлар бўйича икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масаласини муҳокама этдик. Ушбу конференция долзарб масалаларни кўриб чиқиб, барча иштирокчилар учун самарали ва фойдали бўладиган тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди».

Халқаро экспертлар ўз чиқишларида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини қонунчиликка биноан ҳимоя қилиш борасидаги ролини юксак баҳолади.

«Учрашувимиз БМТ ташкил топган қунда бўлиб ўтаётгани рамзий маънога эга, – деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Стефан Приснер. – Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини мустақамлашга қаратилган кенг қўламли ҳамкорлигимизнинг 20 йиллиги ҳам муҳим воқеа ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва бошқа соҳалардаги ютуқлари билан фахрлана арзийди. Ўзбекистон Президентининг инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги олий кадриятидир, деган сўзлари бутун амалда ўз тасдиғини топмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳар бир ҳолатни алоҳида кўриб чиқмоқда, қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро нормалар ижроси устидан мониторинг олиб бормоқда. Бу институтлар умумий ишга ўз ҳиссасини қўшаётган ҳақиқий мустақил тузилмалардир».

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон ижро ҳокимияти органлари тизимида, чунинчи, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратурада инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш бўйича самарали механизм ишлаб чиқилгани муҳимлигини алоҳида кайд этди. Ушбу тузилмалар ҳузурида ҳудудларда таркибий бўлимларига эга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бошқармалар фаолият кўрсатмоқда. Давлат органлари, нодавлат ношкорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида самарали ҳамкорлик қилаётган мазкур тузилмалар ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлаш ҳамда сақлашга, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига қўмақлашмоқда.

«Учинчи сектор», ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга таъбиқ этиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини, фуқароларнинг ижтимоий оғни ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит, бағрикенглик ҳамда динлараро тотувликни мустақамлашда самарали иштирок этмоқда. Бутун фаолият кўрсатаётган 6,5 мингдан зиёд нодавлат ношкорат ташкилотли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

«Бизнинг мазкур халқаро конференцияда иштирок этганимиз Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича Хитой жамияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлик доирасидаги муҳим воқеадир, – деди Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича Хитой жамияти қотибетишнинг вакили, Пекин университети профессори Ло Яньхуа. – Ушбу форум нафақат инсон ҳуқуқлари бўйича тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, балки бу борада амалга оширилаётган фаолият ҳақида хабардорликни оширишга хизмат қилди. Зеро, фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданиятига эга бўлиши жамиятда инсон ҳуқуқларига риоя этилаётганининг асоси ҳисобланади. Ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг ҳам иштирок этиши муҳимдир. Мамлака-

тингида инсон ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролар ва давлат ўртасидаги боғловчи бўлин бўлган ҳамда қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этаётган нодавлат ташкилотлар салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда. Ўзбекистоннинг икки ҳудудда эса кенг жамоатчилик иштирокида ҳуқуқий тажриба амалга оширилмоқда. Бу дунёнинг қўллаб мамлакатларига тасвия этиш мумкин бўлган ёндашувдир».

Халқаро экспертларнинг фикрича, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни тубдан яхшилаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий оғни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларидан хабардорлигини оширишга қаратилган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш миллий тизимининг ташкил этилгани Ўзбекистонни демократик ривожлантиришнинг муҳим ҳусусиятларидан биридир. Бутунги кунда ушбу тизим таълим соҳасининг барча босқичларини, шунингдек, давлат хизматчилари малакасини оширишни қамраб олган. Уз-дуксиз ҳуқуқий таълимнинг пухта ўйланган услуб ва услубияти, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим билан шуғулланидиган махсус тузилмаларни (кафедралар) ташкил этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар, маълумотнома, тадқиқот ҳамда ўқув адабиётини чоп этишни кўзда тутуви ақдоби тизимини шакллантириш мазкур тизимнинг асосий принциплари сирасига қиради.

Бунинг натижасида ўтган даврда жамоатчилик оғни, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси, ижтимоий-сиёсий фаолиги сезиларли равишда юксалди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни муваффақиятли давом этаётганидан далолат беради. «Менимча, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва жамиятни модернизация қилишни уйғунлаштириш юзаси пухта ўйланган йўналишдир, – деди Филиялде Адлия вице-канцлери Микко Пуумалайнен. – Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлиги принципини амалга ошириш демократик тараққиётнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Бундан ташқари, фуқаролар қундалик ҳаётда, иш жойида, истеъмолчи сифатида ва бошқа ҳолатларда қандай ҳуқуқларга эга эканлини билиши жуда муҳим. Бу борада мамлакатимиз эришган ижобий тажрибани кайд этишни истардим. Негаки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича дарслар таълим жараёнининг барча босқичларини ўзида муҷасам этган кадрлар тайёрлаш миллий тизимини киритилган».

Анжуманда Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб бергани таъкидланди. Ушбу дастурий ҳужжатдаги пухта ўйланган қонунчилик ташаббусларининг асосий мақсади давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш янада ривожлантириш ҳамда мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришдир. Концепцияси мувофиқ Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати

тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларнинг қабул қилиниши эса инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш борасида давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлигини мустақамлашга хизмат қилади.

«Венеция комиссияси Европа Иттифоқининг конституция қонунчилиги соҳасидаги мақсатли органидир, – деди Венеция комиссияси эксперти, Европа ҳуқуқшуноса аёллар ассоциацияси президенти Хердис Торгейрседоттир. – Айни пайтга комиссия Марказий ва Шарқий Европа давлатларига катта ёрдам кўрсатди. Комиссия Европа қитъасидан ташқарида ҳам фаолият кўрсатмоқда, 56 мамлакат комиссияга аъзо. Бутун Ўзбекистон билан учта асосий йўналиш, хусусан, демократлаштириш даражасини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ушбу ҳамкорлик очик баҳа-мунозара, муҳокамаларга асосланганини таъкидлашни истардим. Мазкур конференция бундай мулоқотларни янада жадаллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир».

Анжуман қатнашчиларининг фикрича, Ўзбекистоннинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва Инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактининг асосий қондиларини бажариш борасидаги ноёб тажрибаси алоҳида эътиборга лойик. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатишга доир самарали чоралар кўрилди, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат ўз вақтида амалга оширилди. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Онлайин тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижа-сида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати муттасил ошаётгани хариқ қилиш қобилияти, иш ҳақи, пенсия ҳамда бошқа ижтимоий тўловларнинг ўсиш суръатида ижобий таъсир кўрсатаётир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг самара ва истиқболлари таҳлили шунинг кўрсатадики, мамлакатимиз танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини босқичма-босқич, тизимли барпо этиш, умуминсоний кадриятлар билан бирга миллий анъана ва қадриятларни ҳам асраб-авайлаш ва бойитишни кўзда тутадиган миллий давлатчиликни шакллантириш стратегияси юртимизда тинчлик, барқарорлик ва изчил ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Конференцияда замон талаблари эътиборга олинган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, қонунчилик, ижро ҳамда суд ҳокимияти органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни қучайтириш, бу жараёнда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ролини ошириш зарурлиги кайд этилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎзА муҳбири

## 2013 йил – ОБОД ТУРМУШ ЙИПИ

### АҲОЛИ БАНДЛИгини ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Хоразм вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг қўша мажлиси ўтказилди. Унда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Хоразм вилоятидаги ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Мажлиса сенаторлар, Хоразм вилояти халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Ҳўжамбердиев ва бошқалар вилоятда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасида муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 48 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилгани кайд қилинди. – Ташкил этилган иш ўринларининг 43 мингдан кўпроги қишлоқ жойларга тўғри келади, – деди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи М.Отановов. – Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 179 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилиши натижасида ўн икки ярим мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, оилаларда паррандачилик йўлга қўйилиши ҳисобидан беш ярим минг иш ўрни ташкил этилди. Мажлиса вилоятда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларни ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, тижорат банклари томонидан етти ярим миллиард сўмдан кўпроқ миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, 1190 иш ўрни яратилган. Ун саккиз миңга яқин битирувчи иш билан таъминланган. Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобононов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ, ЎзА муҳбири

## Жиззахда

7417 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бораётти

# Имконият ва имтиёзлардан — реал натижаларга

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Наргиза КАҲХОРОВА,**  
«XXI asr»

Бахс-мунозара ва савол-жавоблар тарзида ташкил этилган анжуманда 2013 йилнинг тўққиз ойида «Аёллар қаноти» томонидан олиб борилган ишлар таҳлил қилиниб, хотин-қизларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан, онлайв бизнесга жалб этиш орқали бу борадаги ишларни кучайтиришда партия ролини янада ошириш лозим, деган хулосага келинди.

— Опа-сингилларимизнинг, айниқса, қишлоқларда истикомат қилувчи хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида «Онлайв тадбиркорликдан — мустақкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Соелом оила — мустақкам оила» сингари туркум лойиҳалар ўтказилди. Улар доирасида ташкил этилган семинар-тренинг, давра суҳбати ва очик мулоқотларга 102 минг нафардан ортик хотин-қиз жалб этилди, — деди йўналишда О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Мухлис Акрамова. — Айнан ана шундай тадбирлар туфайли жойларда партиянинг роя ва мақсадларига хайрихоҳлар сонни ошмоқда. Энг асосийси, партиявий лойиҳалар якунида 180 нафар хотин-қиз ўз бизнесини йўлга қўйди. Натигада 356 та иш ўрни ташкил этилди.

Айни пайтда бизнес субъектларини кредитлар билан таъминлаш орқали тадбиркорликка кенг йўл очиб масаласи ҳам лойиҳаларда кўзда тутилган асосий йўналишлардан. Бу жараёнга тажрибали тадбиркор аёлларнинг жалб этилаётгани эса яхши самара бермоқда. Аммо тадбирда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар, шунингдек, онлайв бизнесни ташкил этишнинг қонунчилик асоси яратилганини инобатга олиб, ушбу соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштириш лозим, деган фикрлар билдирилди.

Анжуманда, шунингдек, тадбиркор аёллар фаолиятида экспорт салоҳиятини ошириш, уларни экспорт жараёндарида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун яратиб берилган имтиёз ва имкониятлардан кенгрок хабардор этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш-

га қаратилган Президент фармон ва қарорлари, шунингдек, қабул қилинган муҳим қонунлар алоҳида аҳамият касб этаётганини қайд этиш жоиз.

— Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қаратилиши лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Барчиной Машарипова.

— Мазкур қарор доирасида Ташкил иқтисодий фаолият миллий банки хузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўзилиб, республика миқтақаларида унинг худудий филиаллари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давра суҳбатида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, аёллар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масалаларига ҳам муносабат билдирилди.

— «Аёллар қаноти»

## Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қаратилиши лозим



**АНДИЖОН.** О'zLiDeP вилоят кенгаши хузуридаги «Сийёсий таълим маркази» партия аъзоларининг етакчилиги фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига қаратилган ўқув-семинарнинг таълим қилинди.

Партиянинг вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари мутасаддилари, БПТ раислари, партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари иштирок этган тадбирда партиявий ишларни фаоллаштириш жараёнда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ниҳоятда муҳим эканлиги эътибор қаратилди.

Йиғилишда, халқ депутатлари Андижон ва Балихчи туман кенгашидаги депутатлик турухлари фаолияти мисолида депутатлар фаолияти ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

**ЖИЗЗАХ.** Айни пайтда вилоятда 7417 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг 1783 тасига О'zLiDeP аъзолари етакчилик қилмоқдалар. Бу эса Жиззахлик партия



томонидан ташкил этилаётган тадбирларда қатнашиб, яратиб берилаётган имкониятлар хузурида тўлароқ маълумотга эга бўлганимизга уй бекасиз эдим. Бутун эса тадбиркор аёллар сафига қўшилдим, — деди Хамза туманидаги «Дўстлик» маҳалласи раиси Хонзода Абдужалолова. — Шундан кейин маҳалламизда ишлашга лаёқатли бўлатуриб, вақтинча ишсиз бўлган хотин-қизлар, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласида бир қатор вазифаларни амалга ошира бошладик. Бу борада

О'zLiDeP билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Паркент туманида фаолият олиб бораётган «Кайс гилам тўқиш» корхонаси раҳбари Зулхумор Эрматова ҳам партиявий лойиҳа туфайли ўз корхонасини ишга туширганини, айни пайтда дунёнинг катор давлатларига миллий нусхадаги гиламлар экспорт қилаётганини таъкидлади.

— «Аёллар қаноти»нинг «Онлайв тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси бунга асос бўлди, — деди

З.Эрматова. — Айни пайтда гиламларимизнинг харидорлари қундан-қунга ортиб бормоқда. Яқинда Канададан тушган буюртма асосида гиламларимизга нахш ўрнига Паркентимиз табиати, пурикорт тоғлари аксини тушира бошладик. Бир сўз билан айтганда, инсон меҳнати, кадр-қиммати улуғланган юрт аёли эканимдан бахтиёрман.

Тадбир давомида «Аёллар қаноти» кўмагида кредит олиб, ўз бизнесини бошлаган тадбиркор аёлларнинг махсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

та академик лицейнинг 340 нафар талабаси қатнашди.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида эса олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган 600 нафардан ортик битирувчи иштирок этган бўлса, уларнинг 66 нафарига 277 миллион сўм кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Шу кунгача сертификат эгаларига 147 миллион 460 минг сўм миқдордаги кредит ажратилиб, бунинг эвазига жойларда 51 та янги иш ўрни ташкил этилди.

## ДИҚҚАТ: ТАНАВ! O'ZLIDEP ОЛИМЛАРИНИ ХАМКОРЛИККА ЧАҚИРАДИ

2013 йилнинг 12 ноябрида О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкор ташкилотлар билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишлаб «Хотин-қизлар тадбиркорлиги — жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда олий таълим муассасалари ходимлари, илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўз тадқиқотлари билан иштирок этишлари мумкин: — Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш масалалари; — бизнеснинг ижтимоий масъулияти, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнеснинг ролли; — ижтимоий барқарорликни таъминлашда жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат ношароат ташкилотларнинг ролли. Тақдим этиладиган мақолаларнинг босма ва электрон нусхалари 2013 йилнинг 5 ноябрига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй, тел.: 255-66-03, e-mail: hujjat@infoform@mail.ru

## Янги қонун асосида

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амалдаги қонунларга киритилмоқда.

## МУНОСАБАТ

# Қонун кучга кирди

Бундан буён тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланадиган жазо чораларини либераллаштиришга қаратилган ушбу янгиликка мувофиқ қонунни бузгани учун бутун ташкилот эмас, балки аниқ айбдор (мансабдор) шахс жавоб берадиган бўлди

**Насим АЛИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Энг аввало, тадбиркор ва ишбилармонлар эътиборини тортаётган, жорий йилнинг 7 октябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топилган қонунга батафсилроқ тўхталасак. Унга кўра, бир қатор амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан, 8 та Кодексга, яъни Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Солиқ, Божхона, Уй-жой, Фуқаролик, Хўжалиқ процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят кодекслари ҳамда 22 та қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини қайд этиш мумкин. 5 та қонун ҳужжати эса ўз кучини йўқотган, деб топилди.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун асосида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амалдаги қонунларга киритилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бошқача айтганда, Президентимиз фармонида белгиланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципти риоя қилинади бўлди. Ушбу қонунга мувофиқ, меъриёй-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартақар эътиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар энди тадбиркорлар фойдасига талкин этилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалиқ процессуал кодексининг 12-моддаси ва «Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига қўшимчалар киритилди. Божхона кодекси эса шу йўналишдаги 71-моддаси билан тўлдирилди.

Маълумки, Солиқ кодексининг 11-моддасида назарда тутилган ҳамда қонун ҳужжатларидаги бартақар эътиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилик ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талкин қилинишини белгилайдиган худди шундай тамойил ҳуқуқни қўллаш амалиётида муваффақиятли қўлланилмоқда. Шу мазмундаги норма янги тахрирда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ҳам мустақкамлаб қўйилди.

Янги қонунда юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган молиявий санкциялар бекор қилинган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мuddатини бузганлик учун ҳисобланадиган пенялар миқдори 0,05 фоиздан 0,033 фоизга камайтирилганини ҳам қайд этиш жоиз. Бундан буён тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланадиган жазо чораларини либераллаштиришга қаратилган ушбу янгиликка мувофиқ қонунни бузгани учун бутун ташкилот эмас, балки аниқ айбдор (мансабдор) шахс жавоб берадиган бўлди. Бу, ўз навбатида, шундай ҳолат юз берган тақдирда бутун бошли тадбиркорлик субъектига жазо-жарима қўлланилиб, унинг фаолиятига зарар етказувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва, айниқса, мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти учун масъулиятини янада оширишлари олиб келади. Шунингдек, бутунги кунгача молиявий санкцияларни қўллаш, яъни жаримага тортиш ҳар бир соҳадаги муносабат-

ларни тартибга солишга мўлжалланган махсус қонунлар («Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Стандартлаштириш тўғрисида», «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Кимматли қозғолар бозори тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Божхона ва Солиқ кодекслари) орқали амалга оширилаётган эди. Янги қонунга биноан юқорида саналган махсус қонунлардаги молиявий-иқтисодий санкциялар билан боғлиқ нормалар бекор қилиниб, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказилди.

Қонунга киритилган янги нормалар билан божхона назорати мuddати уч йил билан чекланган, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан кейин бир йил ўтиб, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш тақиқлангани ҳам белгиланди.

Ҳужжатда айрим ҳолатларда тадбиркорлар ишига тўқсизлик қилаётган яна бир масалага ойдинлик киритилганини таъкидлаш жоиз. Яъни «Хўжалиқ юритувчи субъектлар томонидан савдо ва сервис соҳасида олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи корпоратив пластик карталар орқали тўланганида тўлов терминалларнинг чеклари ҳам бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, деб тан олинади» деган норманинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга киритилгани бўлди. Демак, энди корпоратив пластик карталардан фойдаланганда тўлов терминалларининг чеклари ҳам бирламчи бухгалтерия ҳужжати тоифасига киритилди.

Мазкур қонун билан фермер хўжалиқларининг молиявий-иқтисодий асосларини янада мустақкамлаш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси олиш пайтида очик таловда кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағларини фермер хўжалиги раҳбари томонидан устав фондида киритилиши белгиланганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, янги қонун кўп тармоқли фермер хўжалиқлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси кишлоқ хўжалиқ махсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги норма билан тўлдирилди.

Фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини фермер кенгашлари орқали ҳимоя қилишни янада кенгайтириш учун эса Солиқ кодексининг 329-330-моддаларига Фермерлар кенгашлари — давлат ва хўжалиқ бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларига, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатига (характеризовкага) нисбатан фермер хўжалиқларининг манфаатини қўллаб қиритилмаган даъволар ва шикоятлар юзасидан давлат божини тўлашдан овоз қилиш ҳақидаги норма киритилди.

Ушбу норма ҳам фермерлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда янада кенг имкониятлар яратди, албатта.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг таъинига айланган синф — тадбиркорлар қатлами учун кенг имконият ва имтиёзлар яратган янги қонун О'zLiDeP электорати, тадбиркор ва ишбилармонлар, кишлоқ мулкдорлари манфаатини судларда ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

2013 йилнинг сентябрь ҳолатига сертификат эгаларининг 568 нафарига 3,1 млрд. сўм миқдорда кредит берилди.

## «ЁШЛАР ҚАНОТИ»

### Ёшлар учун бизнес формула

2013 йилнинг ўтган даврида O`zLiDeP «Ёшлар қаноти» партиявий лойиҳалар доирасида 900 га яқин тadbир ўтказиб, 35 мингдан зиёд навқирон авлод вакилига либерал-демократик ғоялар мазмун-моҳияти, бугунги кунда партия олдида турган мақсад ва вазифаларни кенгроқ тушунтиришга муваффақ бўлди

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

«Ёшлар қаноти»нинг ана шу даврдаги фаолиятини таҳлил этсак, уларда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юзасидан «Кадр-кимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида уюштирилган тadbирлар салмоқли ўринни эгаллаганини кўраемиз. Хисобот даврида ана шу муҳим мавзуда 156 та тadbир ўтказилиб, уларда 11 мингга яқин йилгирма йиллик широк этгани маълум бўлади.

Мазкур тadbирлар географияси ҳам ўзинга хос. Жумладан, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ташкил этилган амалий семинар «Миллий парламентаризмни ривожлантириш масалалари — ёшлар нигоҳида» мавзусига бағишланган бўлса, Тошкент автомобиллар ва йўллар институтида «Муваффақиятлик бизнес формуласи»га оид давра суҳбати ташкил этилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоқ Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари фаол иштирок этган анжуманларда, энг аввало, амалга оширилган ислохотлар жараёнида парламентнинг роли, O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббуслари, худудий дастурлар ижросини таъминлашда партиянинг иштироки масалалари атрофида муҳокама қилинди.

«Ёшлар қаноти» вакилларининг таъкидлашича, O`zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар: тизимлилик, изчиллик ва ўзаро боғлиқлик» мавзусидаги ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар илмий-амалий анжуманини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросига бағишланган туркум тadbирлар эса Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда барча худудларда ташкил этилди. Нукус, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган учрашувлар ўнлаб ёш олим ва катта илмий ходим-изланувчиларни кашф этганини ҳам таъкидлаш лозим. Зеро, мулоқотлар жараёнида иштирокчилар ўз илмий ишлари тақдимотини ўтказиш баробарида интеллектуал салоҳиятларини ҳам намойиш этдилар.

Хайрат аъзолари хулосасига кўра, Урганч давлат университети талабаси Умидбек Абдалов, Қорақалпоқ давлат университети талабалари Онгарбай Ҳетенов ва Байрам Кусеєев, Бухоро муҳандислик технологиялари институтидан Саломат Норов, Навоий давлат институти талабаси Хамро Раҳмонов, Андижон давлат университети ўқитувчиси Азизбек Эгамбердиев, Наманган муҳандислик технология институти ўқитувчиси Отабек Юлдашев, Фарғона давлат университети ўқитувчиси Илс Сиддиқов, Самарқанд давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси Шойра Кубаева, Тошкент давлат юридик институти катта илмий ходим-изланувчиси Элдор Қурбонов, Тошкент давлат шарқшунослик институти катта илмий ходим-изланувчиси Фарход Каримов, Проғнолаштириш ва макроиспосидий тадқиқотлар институти катта илмий ходим-изланувчиси Алишер Холмирасов, Гулистон давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси Гулрух Махмудова сингари иктидорли ёшлар кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорларига айландилар. Улар O`zLiDeP томонидан таъсис этилган махсус динлом ва кимматбахо совсалар билан тақдирландилар.

Бўлим томонидан танланган яна бир йўналиш бу — жисмонан ва маънан соғлом, юқори малакали, мамлакатни янада ривожлантириш маъсулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш мутахассисларни тарбиялаш, шунингдек, уларнинг маънавий дунёқарашларини бойитишга қаратилди. 2013 йилнинг январь-сентябрь ойларида ана шу йўналишларда 122 та семинар-тренинг ташкил этилди.

Хусусан, Зафаробод маънавий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг

ўрни ва роли» мавзусидаги давра суҳбатида 120 нафар йилгирма киз катнашиб, O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалар, ёшларнинг ҳуқуқий билим ва салоҳиятини ошириш ҳамда интеллектуал маданиятни кучайтириш, ёшлар зиммасидаги ҳуқуқ-мажбуриятларни муҳокама қилдилар. «Ўзбекистонда ёшларнинг сийёсий саводхонлигини янада оширишнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги навбатдаги мулоқот эса Тошкент темир йўл муҳандислари институтида уюштирилди.

«Ёшлар қаноти» танлаган учинчи муҳим йўналиш эса ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка жалб этиш орқали бандлик масалаларини ҳал этишга кўмаклашга қаратилди. Ўтган тўққиз ой давомида 485 та ана шундай тadbир ташкил этилган бўлса, уларда 12 мингдан зиёд ёш иштирок этди. Бунда «Ишбилармон талаба» кўрик-танлови ва «Динлом билан — бизнесга» партиявий лойиҳаси алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тadbиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги фармонида келиб чиқадиган партиявий вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг ижтимоий-сийёсий фаолиятини ошириш, ишбилармонлик кўникмаларини чуқурлаштириб бориш, ёшларнинг инновацион лойиҳаларини хусусий сектор фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида «Динлом билан — бизнесга» лойиҳаси изчил давом эттириляпти. Мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ёшлар эътиборини тортаятган бу лойиҳа коллеж битирувчилари орасида тadbиркорликка қизиқиши бўлган ёшларни саралаш олинган хизмат қилляпти. Мазкур лойиҳанинг туман боسقачларида 10 мингга яқин битирувчи иштирок этган бўлса, 1418 нафар йилгирма киз вилоят боқичига йўлланма олди.

Эътиборли томони шундаки, лойиҳа доирасида ташкил этилган ўқув курсларида малакали мутахассислар томонидан ёшларга «Тadbиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар», «Тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари», «Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштириш масалалари», «Солиқларни унутманг», «Бизнес ғоя танлаш ва бизнес-режа ишлаб чиқиш», «Кредит турлари ҳамда банк кредит сийёсати тўғрисида маълумот бериш» каби ўнлаб мавзуда кенг тушунчалар берилди. Тadbирлар давомида битирувчилар ўзлари танлаган воялар асосида бизнес-режалар ишлаб чиқиб, улар тақдимотини ҳам ўтказдилар. Унинг якунига кўра, тижорат банклари томонидан 1180 нафар битирувчига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Энг қувонарлиси, 2013 йилнинг сентябрь ҳолатига сертификат эгаларининг 568 нафарига 3,1 млрд. сўм атрофида кредит берилди. «Ёшлар қаноти» аъзоларининг маълум қилишиларича, ана шундай молиявий кўмак асосида жойларда 2 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилган.

Кези келганда, тўрт йилдан буён ўтказилаётган мазкур лойиҳанинг ижобий кўрсаткичлари тобора ўсиб бораётганини айтиб ўтиш зарур. Масалан, 2009 йилда 323 нафар битирувчига 678 млн. 300 минг сўм миқдорда кредит ажратилган бўлса, 2010 йилда 420 нафар битирувчига 1 млрд. 218 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. 2011 йилга келиб эса 560 нафар битирувчига 3 млрд. 203 млн. сўм, 2012 йилда 643 нафар битирувчига 3 млрд. 605 млн. сўм миқдордаги кредитлар молиявий ёрдам сифатида берилди. Бу маблағнинг соҳалар бўйича тақсимланиши таҳлил этилса, биргина 2013 йилда 97 та лойиҳа хизмат кўрсатиш, 206 таси қишлоқ хўжалиги, 265 таси саноат ва ишлаб чиқаришга ажратилгани маълум бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, «Ёшлар қаноти» томонидан ҳамкор ташкилотлар, биринчи гада, тижорат банклари кўмагида амалга оширилаётган партиявий лойиҳалар O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш баробарида партиянинг ёшларга оид сийёсатини ҳам тобора такомиллаштиришга хизмат қилляпти.

— Миллий ахборот маконини бойитиш ва тўлдириш, ундан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган изчил ислохотлар юксак самара бермоқда, — деди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшларнинг интернетдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиради.



Ёшларнинг 1,6 миллион нафари интернетга кириш учун уяли телефонлардан фойдаланади.

## Интеллектуал салоҳият ва маънавий иммунитет

### АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ◀◀

Озод РАҲАБОВ, «XXI asr»

пochталар оммабоилигини ошириш ҳам долзарб масалалардан биридир.

Амалий семинарда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев сўзга чиқиб, глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологиялари, биринчи гада, интернет болалар ва ўсимир-

Лекин «ўрғимчак тўри» дея таърифланаётган жаҳон ахборот макониде экстремистик ва деструктив сайтлар кўнаиб бораётганини ҳам унутмаслик керак. Демак, ёшларни ахборот соҳасидаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, мафкуравий хуружлар, бузғунчилик ғояларининг таъсирларидан сақлаш масалалари кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

— Глобаллашув жараёнининг ўзинга хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айлангани мумкинлиги билан изохланади, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — Бугун узоқ-яқин минтакаларда юз бераётган воқеаларни инобатга олсак, ҳали онги, ҳаётий қарарларни шаклландираётган ёшларни чағиртишга қаратилган ғаразли кучлар интернетдан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Демак, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва маънавий иммунитетини кучайтириш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бош омили, десак муболаға бўлмайди.

Кези келганда, O`zLiDeP ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга таъбиқ этилаётган «Хавфсиз интернет» партиявий лойиҳасининг мақсади ҳам вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан интернетдан хавфсиз фойдаланишнинг амалий механизмлари, технология усуллари жорий этишдан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ана шу истиқболли лойиҳа доирасида бугунга қадар ёшлар, шу жумладан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабаларининг кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот

ресурслари сифатини ошириш, интернет тармони миллий сегментда ёшларга оид таълим-тарбия ва билим олишга доир ахборот ресурсларини ривожлантиришга қаратилган 20 дан зиёд тadbир ташкил этилди. Эксперт ва мутахассислар иштирокида миллий ахборот-изловларнинг таъсирларидан сақлаш масалалари кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. — Глобаллашув жараёнининг ўзинга хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айлангани мумкинлиги билан изохланади, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — Бугун узоқ-яқин минтакаларда юз бераётган воқеаларни инобатга олсак, ҳали онги, ҳаётий қарарларни шаклландираётган ёшларни чағиртишга қаратилган ғаразли кучлар интернетдан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Демак, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва маънавий иммунитетини кучайтириш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бош омили, десак муболаға бўлмайди.

Кези келганда, O`zLiDeP ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга таъбиқ этилаётган «Хавфсиз интернет» партиявий лойиҳасининг мақсади ҳам вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан интернетдан хавфсиз фойдаланишнинг амалий механизмлари, технология усуллари жорий этишдан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз. Ана шу истиқболли лойиҳа доирасида бугунга қадар ёшлар, шу жумладан, мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабаларининг кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, интернет тармони миллий сегментда ёшларга оид таълим-тарбия ва билим олишга доир ахборот ресурсларини ривожлантиришга қаратилган 20 дан зиёд тadbир ташкил этилди. Эксперт ва мутахассислар иштирокида миллий ахборот-изловларнинг таъсирларидан сақлаш масалалари кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. — Глобаллашув жараёнининг ўзинга хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айлангани мумкинлиги билан изохланади, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — Бугун узоқ-яқин минтакаларда юз бераётган воқеаларни инобатга олсак, ҳали онги, ҳаётий қарарларни шаклландираётган ёшларни чағиртишга қаратилган ғаразли кучлар интернетдан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Демак, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва маънавий иммунитетини кучайтириш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг бош омили, десак муболаға бўлмайди.

## ЭСКИ ФАБРИКА ЎРНИДА ЯНГИ МАЖМУА

2014 йил арафасида Тошкентда яна битта йирик замонавий савдо-кўнгилочар мажмуаси иш бошлайдиган бўлди. Mezon.uz сайти маълумотларига кўра, пойтахтимизнинг Бобур кўчасида жойлашган собиқ оёқ кийими фабрикаси ўрнида, бошқача айтганда, 2,5 гектарли майдонда қад ростлаётган мажмуа объект тўрт қаватдан иборат бўлиб, унинг биринчи қаватида озиқ-овқат гипермаркети ва уй жиҳозлари савдоси маркази фаолият кўрсатади. Иккинчи ва учинчи қаватлардан эса тегишли равишда дўконлар ҳамда маънавий техника савдо майдонлари ўрни эгалласа, кўнгилочар ва оқватланмиш бўлимлари энг юқори қаватга жойлашади. Мажмуага ташриф буюрган меҳмонларга 10 та эскалатор, 2 та панорама лифти, 500 та автомобилни қабул қиладиган қулай автотўхташ жойи хизмат кўрсатади. Жорий йилнинг 25 декабрида фойдаланишга топширилиши кутилаётган мажмуа худудида кейинчалик (2014 йилнинг баҳорида) мусикий фавора, аттракцион ва ҳибонлар барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Ш.Хўжаев тайёрлади.

## «ИЛҲОМЖОН КЕЛАЖАГИ»НИНГ БУГУНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Қизилтепалик тadbиркор Илҳомжон Абдуллаев туманда биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилган. «Илҳомжон келажаги» фермер хўжалиги дастлаб 5 гектарлик сув ҳавзасида балиқ етиштириш бошлади. Орадан кўп ўтмай, фермер хўжалиги аъзолари ўз фаолиятларини кенгайтирдилар. Белгиланган режалар йилдан-йилга оширилди. 2009 йилга келиб Илҳомжон ўз фойдаси ҳисобидан тўйхона ва чойхона қуриб, тadbиркорлик, ҳалол меҳнат қандай натижалар беришини амалда исботлади. Жорий йилда эса қишлоқ мулкдори қандолатчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги цехни ишга туширди. Бунинг учун 120 минг АҚШ доллари миқдоридеги маблағ эвазига Чехиядан нон пишириш печи ва Швейцариядан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олди. — Мамлакатимизда тadbиркорликка кенг йўл очилгани, хорижий технологиялари олиб келишда солиқ ва боғхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилганидан фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишга ҳаракат қилляпмиз, — деди И.Абдуллаев. — Натижада айни кунгача 25 тонна парҳез маҳсулотни халқимиз дастурхонига етказиб бердик. Шунингдек, 5 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Новойхона ва қандолатчилик цехида эса ширмойон, торт, печенье ва бошқа қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланапти. Тadbиркорнинг таъкидлашича, йил охиригача бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 30 дан ошади ва яна 28 нафар қишлоқдоши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Мансур АСЛОНОВ.



**Билимдон, ташкилотчи**  
ёшларнинг 320 нафари кадрлар захирасига олинди.



**30 нафар**  
банк ходимига партия гувоҳномалари топширилди.



**Сурхондарёда**  
460 дан ортиқ кўйи бўгин фаолият юритмоқда.

КУЧЛИ ҚҲЙИ БЎГИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ

## ташкилотларида

44 (520)-СОН, 2013 ЙИЛ 31 ОКТАБРЬ, ПАЙШАНБА

## Қуйи бўгин аъзолари ўз кучига ишонмоқдалар

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ботир Бекжанов йил охиригача бошланғич партия ташкилотлари сони икки баробарга ошиши мумкинлигини таъкидламоқда

**Бехзод ИСРОИЛОВ,**  
«XXI asr»

— Айни пайтда Қорақалпоғистонда 10 минг 600 нафарга яқин О'zLiDeP аъзоси бор, — дейди Б.Бекжанов биз билан суҳбатда. — Уларнинг 58 фоизини ёшлар, 36 фоизини эса аёллар ташкил этаётир.

Хисобот-сўзлов йиғилишлари давомида БПТ етакчиларининг 117 нафари ёки 19,9 фоизи бошқа ишга ўтгани, айримларининг фаолияти суёт деб топилгани боис улар ўрнига янги етакчилар сайланди.

2013 йилнинг ўтган даврида қуйи бўгин аъзолари томонидан турли мавзуларда 350 га яқин тадбир ташкил этилиб, либерал-демократик ғоялар изчил тарғиб этилди. Натижада БПТлар сўй-ҳаракати билан партия сафига 225 нафар янги аъзо қабул қилинди. Йиғилишларда фаол иштирок этган, билимдон, ташкилотчи ёшларнинг 320 нафари эса кадрлар захирасига олинди. Шу ўринда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган семинар-тренингларда БПТлар билан ишлаш механизми янада такомиллаштирилганини айтиш жоиз.

Бунинг натижаларини қуйи бўгинлар фаолияти, ташаббускорлиги ошганида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қанлиқўл туманидаги «Арзимбет қум» овул фукарлар йиғини ва «Аселл-Лаззат» хусусий корхонаси, Хўжайли туманидаги 13-сонли МФЙ, Нукус шаҳридаги «Зар-Дил-Дилбар» хусусий корхонаси, Шуманай туманидаги «Б.Садепов» фермер хўжалиги, Тўртқўлдаги «Маш-холдинг» МЧЖ, Кегейлидаги «Кегейли тутинув» хусусий корхонаси, Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот сода заводи» унитар корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзоларининг фаолигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқа қўллаб қуйи бўгинларнинг кейинги икки йилдаги фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилаётган.

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Маълумки, ҳар қандай партия фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар, депутатлик гуруҳлари ва электрот вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига боғлиқдир. Худудий дастурлар ижросини таъминлаш, мавжуд муаммоларни маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида ўрганиб чиқиш, долзарб ҳисобланганларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги доимий комиссияларда таҳлил қилиб, сессияларда кўриб чиқишда ҳам БПТлар ташаббускорлиги ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мана, бир мисол. Яқинда Қанлиқўл туманидаги 2-сонли МФЙ худудида иш олиб бораётган БПТ аъзолари аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш маркази биноси учун ер майдонини ажратиш тўғрисида депутатлик гуруҳига мурожаат этди. Масалани депутатлар жалб этилганидан кейин туман ҳокими қарори қабул



қилиниб, унга асосан 180 кв.метр ер майдони ажратилди.

Хўжайли туманидаги «Ахунбабаев» МФЙ худудида фаолият юритаётган БПТ эса 10 та хўжаликни газ билан таъминлаш бўйича туман партия кенгашига мурожаат қилди. Кенгаш мутасаддилари бу масалани депутатлик гуруҳи билан муҳокама қилганидан кейин туман газ бошқармаси,

архитектура бўлими ёрдамида хўжаликларга газ қувурлари тортилди.

Айни пайтда Тўртқўл, Беруний, Қанлиқўл, Амударё туманлари ва Нукус шаҳридаги фаол БПТ аъзолари томонидан ҳам электрот манфаатларига оид бир қатор масалалар депутатлик гуруҳлари йиғилишларида муҳокама этилаётганини айтиш мумкин.

### ЯНГИ БОСҚИЧНИНГ ЯНГИЧА ВАЗИФАЛАРИ

Шу ўринда, Қорақалпоғистонда ташаббускор бошланғич ташкилотлар таърибасини оммалаштириш мақсадида турли семинар, давра суҳбати ва очик мулоқотлар ташкил этилаётгани, бундай таъриблар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганини таъкидлаш жоиз.

Лекин Амударё, Қораўзақ, Мўйнок туманларидаги БПТлар фаолияти хусусида бундай ижобий фикрлар билдириш қийин. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ана шу худудлардаги қуйи бўгинлар ишини жонланштириш мақсадида махсус режа ишлаб чиқиб, уни амалга ошира бошлади. Бунда, биринчи навбатда, БПТлар раҳбарларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, партия юқори органига таҳлилий материаллар бериш жараёнини жадаллаштириш, қуйи бўгинларнинг депутатлар ва депутатлик гуруҳлари, шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ЁИХ, Савдо-саноат палатасининг худудий бўлиmlари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Мақсад — шу йил охиригача йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда кичик бизнес, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларидан тартиб-ташвиқот ишларини қучайтириш орқали қуйи бўгинлар сони икки баробарга оширишдир.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистонда тинимсиз изланиш, жонкуярлик ва ташаббускорлик билангина бошланғич ташкилотлар салоҳиятини тўлароқ рўёбга чиқариш мумкинлиги ўз исботини топмоқда.

### ТАШАББУСКОРЛИК

О'zLiDeP Паркент туман кенгаши «Ахборот-маслаҳат маркази»да иш олиб бораётган БПТ аъзолари ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, миллий ва хорижий таъриба» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Тижорат банклари вакиллари тақлиф этилган тадбирда эндигина иш бошлаётган тадбиркорларга жуда катта ишонч билдирилаётгани, улар эса ўз навбатида кредитлар эвазига ўз бизнесларини йўлга қўйиб, нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам рақобатбардош махсуслотлар чиқараётганликлари мисоллар асосида таҳлил этилди. Ана шундай ўзига хос ҳамкорлик натижасида 2013 йилнинг 9 ойида туманда О'zLiDeP аъзоси бўлган тадбиркор ва фермерлар томонидан касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрталарини тугатган ёшлар учун мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди. Давра суҳбати якунида иштирокчилар тижорат банклари вакилларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Зиёдулла МҲМИНОВ.

### СОҲИБИ ТАДБИРЛАР ТАНЛОВИ

Сурхондарё марказий давлат ўрмон хўжалигида бошланғич партия ташкилоти иш бошлади. Ўн киши аъзо бўлган қуйи бўгинга кадрлар бўлими бошлиғи Гулрух Ҳақимова етакчи этиб сайланди.

— Вилотимизда 460 дан ортиқ қуйи бўгин фаолият юритмоқда, — дейди О'zLiDeP вилот кенгашининг БПТлар билан ишлаш сектори мудири Зебо Қурбонова. — Сафимизнинг янги аъзолар ҳисобида кенгайиб бораётгани, шубҳасиз, партиямизга бўлган ишонч мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Жумладан, яқинда Узун туманидаги «Абақан-Узун» ишлаб чиқариш савдо корхонаси, Шеробод туманидаги Шеробод дон қабул қилиш пунктида ҳам бошланғич ташкилотлар иш бошлади. Ўрмон хўжалиги мутасаддиларининг маълум қилишларича, унинг Каттакум массиви, Қорасув ва Сабзипоя участкаларида ўн минг гектардан зиёд ер майдони бор. Ўтган йилларда хўжалик ходимлари Каттакум массивидаги ўн гектардан ортиқ майдонда шамол эрозиясининг олдини олувчи черкес уруғи, саксовул каби буталардан маданий ўрмонзор барпо этдилар. Қузғи-бахорги экин мавсуми учун эса яна бир миллион дондан ортиқ турли дарахт ва гул кўчатлари тахт қилиб қўйилди.

Фарҳод ТОШБОЕВ.

### ТАРҒИБОТ ВА ЯНА ТАРҒИБОТ

Каттакўрғон туманидаги мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув спорт-техника клубининг ўн нафар аъзоси О'zLiDeP сафига қўшилди. — Ҳарбий хизматга чакирув, ҳарбий таълим, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш партиянинг мудофаа сиёсати йўналишидаги устувор вазифаларидан экани О'zLiDeP дастурида алоҳида қайд этилган, — дейди янги БПТ етакчиси, клуб раҳбари Рўзимурод Жўраев. — Бинобарин, Ватан ҳимояси мамлакатнинг беистисно ҳар бир фуқароси учун шарафли бурч эканини аҳолининг барча қатламлари ўртасида кенг тарғиб этиш, бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳиятини, аинқиса, ёшларга етказишга ҳисса қўшиш қуйи бўгин фаолиятининг муҳим йўналиши сиёсатида белгилаб олинди.

Мухаббат РАВШАНОВА.

### ТАДБИР


## Ўттиз нафарга кўпайдик

О'zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг худудий бўлимида «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида партиянинг хусусий секторни қўллаб-қувватлашдаги роли» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди

**Комилжон ФАЙЗИЕВ**

Унда О'zLiDeP ва унинг ҳамкор ташкилотлари, жумладан, тижорат банклари билан олиб борилаётган ишлар натижаси ҳам Наманган шаҳри мисолида агрофлича таҳлил қилинди.

Банк бошқарувчиси, халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Олмаҳон Мадрохимованинг таъкидлашича, айни пайтда молия муассасалари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, тадбиркор ва фермерларни қўллаб қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун



жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес субъектларига жами 16 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилди. Унинг 40 фоизини микрокредитлар ташкил этди.

Партия вилот кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев эса Наманганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички махсу-

лотдаги улуши тобора ортаётгани, бу, ўз навбатида, О'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасидаги йўналишлар билан ҳамоханг эканига эътибор қаратди.

Тадбирда партия фаолиятидаги энг муҳим бўгин — БПТларнинг роли охиб бораётгани ҳам қайд этилди. Жумладан, ҳозир шаҳардаги 76 та БПТ аъзолари партия дастурида белгилашган вазифаларни бажариш, электрот манфаатларига оид айрим муаммоларни ҳал этишда депутатлар таянчига айланди.

Тадбир якунида О'zLiDeP сафига қабул қилинган 30 нафар банк ходими партия гувоҳномалари топширилди.



**XXI ASR**  
ижтимоий-сиёсий газетасига  
**ОБУНА** бўлинг!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

**Кичик бизнес**  
ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 10,1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди.

**Қамаши туманида**  
лимон этиштиришнинг ўзига хос мактаби яратилди.

Реклама ўрнида

## Тадбиркорлик тараққийотидан — юрт равнақига

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий технологияларга асосланган корхоналар барпо этилиб, улар аҳоли фаровонлигига хизмат қилаётир

Молия бозорига ўз ўрнига эга бўлган «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Фарход филиали ҳам ана шундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, банк филиали томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 10,1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Натижада 180 та янги иш ўрни ташкил этилди.



Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 бараварга ортган. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ушбу тармоқда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Фарход филиали ана шу мақсадларга жорий йилнинг шу даврига қадар 955 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Бундан ташқари банк томонидан кичик бизнес вакилларига 1,5 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачиликни ривожлантириш, туҳум ва гўшт, сут маҳсулотларини кўпайтиришга 1,5 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантиришга эса 6,1 млрд. сўмлик кредит ажратилди.

Банк миқозлари орасида тадбиркор аёллар кўпчилигини ташкил этаётгани ҳам таъкидлаш

А.Музаффаров тайёрлади.

### ХАБАРЛАР

## «МОҲИГУЛ» БИТИРУВЧИЛАРНИ ЧОРЛАЯПТИ

Мустақиллик билан тенгдош бўлган «Моҳигул» хусусий фирмаси раҳбари Мукаррамхон Юсупова дастлаб «Ипотека банк»дан 25 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик цехини ташкил этган эди. Ўтган йилларда юртимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибордан руҳланган ишбилармон аёл ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, хориждан замонавий дастгоҳлар олиб келди. Натижада замонавий пардалар, махсус кийим-кечаклар тикиш йўлга қўйилди. Бу яна бир қарра Фарғона шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг яратиб берилган имтиёзлардан унумли фойдаланаётганликларини кўрсатади.

— Ўтган 21 йил ичида молия муассасаларидан қўллаб имтиёзли кредит олдим, — дейди хусусий фирма раҳбари М.Юсупова. — «Обод турмуш йили»да ҳам 100 миллион сўмлик кредит эвазига гўзаллик саломи очиб баробарида чет элдан энг сўнгги русумдаги тикув дастгоҳлари келтирдик.

Таъкидлаш кераки, асосан хотин-қизлардан ташкил топган хусусий фирманинг «Гўзаллик саломи»да 4 нафар, тикувчилик цехида 10 нафар аёл иш билан таъминланган. Келгусида тадбиркор аёл яна 10 та янги иш ўрни яратиб, коллеж битирувчиларини ишга қабул қилмоқчи.

Ахорржон МУСУРМОНОВ.

## «САДО»НИНГ ХОРИЖДАГИ САДОСИ

Шахрисабздаги «Садо» маъсуляти чекланган жамияти жорий йилнинг ўтган даврида 430 минг АҚШ долларлик болалар ва катталар кийим-кечакларини экспорт қилди. Юздан зиёд ишчи-хизматчи томонидан 17 турдаги маҳсулот тайёрланаётган МЧЖда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Ўтган йили Япониядан келтирилган «JUKI» русумли тикув машиналари бунга мисол бўлиши мумкин.

Техник назорат бўлими бошлиғи Дилноза Мирзаеванинг таъкидлашича, корхонада кунига 4 минг дона маҳсулот тайёрланмоқда. Ишловчиларнинг аксарияти хотин-қизлар бўлиб, ҳар йили 5-10 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси шоғирдликка олинапти.

## «САЙФУЛЛА ОТА» ЯНГИ БИНО ҚУРДИ

«Сайфулла ота» хусусий фирмаси томонидан Деҳқонобод туман молия ва газначилик бўлимлари, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Худуди 1085 квадрат метр майдонни эгаллаган янги ишоотни барпо этиш учун 1 миллиард 64 миллион сўм маблағ сарфланди. Миллий меъморчилигимиз анъаналарини ўзида муҷассам этган замонавий бинода барча қулайликлар яратилган.



«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун кўплаб оилаларни хусусий бизнес, тадбиркорликка жалб этиш, халқ хунармандлари ишини ҳар томонлама ривожлантиришга имконият яратди.



# Ишбилармонлик муҳити

## УНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БАНК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Азамат ҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори

«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида», «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қуча қирғач, хусусий банк ва молия институтлари тармоғини янада кенгайтириш, уларга шахсий капитални жалб этиш кўламини ошириш, шунингдек, маъмур институтларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асослари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни эса маълумотларнинг ягона базасини шакллантириш орқали мажбуриятлар бўйича таъминот реестрини яратиш, қарздорлар, таъминот эгалари ҳамда кредиторларнинг, шунингдек, реестр юритувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, молиявий хизматлар бозорига миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва рақобатни қучайтириш ҳамда жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш учун кенг шарт-шароит яратишга хизмат қила бошлади.

Шу ўрнида банклар томонидан қишлоқ жойларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этиш лозим. Негаки, тадбиркорликнинг маъмур йўналишини тартибга солиш ҳамда ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тақомиллаштириш мақсадида қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қўллаб оилаларни хусусий бизнес, тадбиркорликка жалб этиш, қадимий халқ хунармандчилигини ҳар томонлама ривожлантиришга имконият яратди.

Бу борада Марказий банк томонидан Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳамда бошқа мутаассадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Бандлик даражаси банклар эътиборида» мавзусида семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, чекка туманлардаги маҳалла фаоллари, тадбиркор аёллар, ёшлар иштирокида ана шу муҳим қонуний мазмун-моҳиятини тушунириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширишга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. 2013 йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари 110 млрд. сўмдан зиёд кредитни айнан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ажратган бўлса, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш дастурига мувофиқ 2418 та лойиҳага 623,7 млрд. қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ҳудудий дастурга қўра 1530 та лойиҳага 193,3 млрд. сўм йўналтирилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 603,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик тараққийотида муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу ўрнида давлатимиз раҳбари-

нинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 11 мартдаги қарорига қўра тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан олиб ва бериш қийин бўлган тоғли туманларда, шунингдек, орғиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратилиши белгилаб берилгани ҳудудларнинг янада обод бўлиши, жойларда қўллаб-қўйиш ўрнини яратилишида муҳим омил бўлди, дейиш мумкин. Ушбу муҳим ҳужжат асосида жамғарма кредитлари ҳисобидан олинган даромадлар 2011 йил 1 апрелдан 2016 йил 1 январигача фойда солиғидан озод қилинган эса тижорат банклари учун яна бир имкониятидир. Бу, бир томондан, жамғарма сармоясини кўпайтиришга хизмат қилади, иккинчидан эса, олиб ва бериш қийин бўлган туманлар, шунингдек, орғиқча меҳнат ресурсларига эга ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат ва сервис соҳасини янада ривожлантиришга катта қулайлик яратади.

Маъмур қарор талабларидан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 37,7 млрд. сўмдан ортик имтиёзли кредитлар ажратилганини, бунда юқори технология ва инновацион лойиҳалар, ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар, кичик корхона, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Юртбошимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ эса тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат банкларини билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципи амал қилиниши, яъни, банклар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши юзасидан банкнинг меъерий ҳужжатларига қатор ўзгаришлар киритилди. Шу би-

дан бирга, кичик бизнес субъектлари муқоабаларини уч иш кунидан ошмаган муддатда қўриб чиқиш, тижорат банкларига миллий валютада ҳисоб-рақами оғанлик учун тўлов ундиришнинг бекор қилиниши ва банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдорига бўлган нақд пул тушумининг мустақил тошширилиши белгиланди. Бундан ташқари, савдо ва сервис соҳасида харид қилинган товар ва хизматлар учун корпоратив пластик қарточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чекларининг бухгалтерик бирламчи ҳужжатларига тенглаштирилиши мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида муҳим қадамлардан бўлди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармонига асосан эса аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиши, хотин-қизлар етакчилиги қилаётган корхоналарга молиявий қўмак бериш масаласи ҳам банкларнинг диққат эътиборида турибди. Натижада ўтган йил давомида республикамизда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ҳажми 32 баробардан зиёд ўсиб, маъмур Фармон қабул қилингандан буён тижорат банкларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кредит йўналиши учун 1 трлн. 900 млрд. сўмдан зиёд маблағ, биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида эса 500 млрд. сўм миқдоридagi кредит йўналтирилди. Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда чет эллик ҳамкорлар билан алоқалар йўлга қўйилгани ҳам яхши самара бермоқда. Хусусан, Халқ банки ва Микрокредит-банк томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат қасалари жамғармаси билан ҳамкорлик ўрнатилиб, ушбу жамғарма маблағлари эвазига маъмур банкларда Кичик тадбиркорликни микрокредитлаш жамғармаси шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркор-

лик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида банк тизимида касб-хунар коллежи битирувчиларини кредитлаш ҳажмларини янада ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Натижада, 2010-2012 йиллар давомида ушбу йўналишга қарийб 100 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 баробар кўп ёки 108,2 млрд. сўмлик маблағ ушбу соҳага йўналтирилди. Маъмур йўналишда Марказий банк тавсияси асосида тижорат банкларига коллеж битирувчиси микрокредит олиш учун таъминот етарли бўлмаган тақдирда, ота-онаси, акаси, опасининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафилик бериш амалиёти жорий этилди.

Шу ўрнида мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли кейинги ўн йилда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кредит ҳажми 20 баробардан зиёд ўсганини таъкидлаш жоиз. Кейинги етти йилда эса ушбу муҳим соҳани кредитлаш ҳажми 1,3 баробарга ўсди.

Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида банклар томонидан ушбу йўналишга ажратилган кредитлар ҳажми 1 трлн. 430 млрд. сўм ёки 34,1 фоизга ошиб, 5 трлн. 607 млрд. сўмни ташкил этди.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Ислам тараққиёт банки, Араб давлатларини мувофиқлаштириш гуруҳи, Жанубий Корея ва Германия банклари ва бошқа молия ташкилотлари томонидан ҳам шу йилнинг тўққиз ойида 116 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағ бевосита тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларига йўналтирилганини қайд этиш лозим. Бу кейинги беш йил давомида маъмур кўрсаткич 500 млн. АҚШ долларини ташкил этди, дегандир.

Хуллас, мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли қуқуқий кафолатлар тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, даромадларини изчил қўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

### БОҒДОРЧИЛИК

## ЛИМОН — ҚАМАШНИНГ ЯНА БИР БОЙЛИГИ

Қамаши туманидаги Қора Қўтон қишлоғида лимон этиштиришнинг ўзига хос мактаби яратилди, десак муболага бўлмайд.

Шоймардон Мўминов шу қишлоқда 22 йил аввал иссиқхона қуриб, лимон этиштиришни йўлга қўйган, шундан кейин аксарият ҳамқишлоқлари унга эргашиб, лимончиликка қўл урган эди. Бугун қишлоқдаги 1440 та хонадоннинг аксариятида иссиқхона бор.

— Биз ўзига хос тарзда лимон этиштирамиз, — дейди тажрибали лимончилардан бири Зайниддин Бойбулов. — Аввал чуқур қовлашиб, атрофи пахса девор билан ўралади. Икки қават плёнка бостирилиб, орасига қалин қамиш пояси ётқизилади. Қарабсизки, тайёр иссиқхона. Электрга ҳам, табиий газга ҳам эҳтиёж йўқ. Лимон қўчатларига йилда икки марта шакл берилиб, эркак новдалар кесилади. Айни пайтда 50 тул лимон дарахтининг ҳар биридан 50 килограммдан ҳосил оляпман. «Дамас» ва «Матиз» автоуловларини ҳам лимон туфайли харид қилганман. Уй қурямиз, тўй қилямиз...

Қишлоқ қайвониси Абдимўмин Жалилов эса аҳоли нафақат цитрус мевалар, балки турли қўқатлар этиштиришнинг ҳам ҳадисини олганини таъкидлади.

— Ҳар йили қишлоқда ўндан ортик янги иссиқхона ташкил этилмоқда, — дейди у. — Тажрибали лимончилар хонадонма-хонадон юриб, қўчат парварини назорат қилишди, тегишли тавсия ва маслаҳатлар беришди. Қишлоғимизда яратилган «Лимончилик мактаби» даргалари қўчатни парваритлаш сирларини вилоятнинг Қасби, Миришкор, Нишон ва Қарши туманида эндигина иш бошлаётган ёшларга ҳам ўргатишпти. Қисқаси, дадавлат томорқачиларимиз тажрибаси бутун воҳа аҳлига юқмоқда.

Сайфулла ИҚРОМОВ.

## «JV MAN Auto-Uzbekistan»

қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганидан буён 3100 дан зиёд замонавий юк машинаси ишлаб чиқарилди.



**Транспорт — иқтисодиётни ҳаракатта келтирувчи асосий кучдир. Шу боис дунёдаги аксарият мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларидан бўлган автомобилсозликни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири деб билади.**

**Транспорт саноатининг муҳим таркибий қисмларидан бири — юк автотранспортлари ишлаб чиқариш халқ ҳўжалиги тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб келаётган Ўзбекистон иқтисодиётида юк ташиш автотранporti муҳим ўрин тутлади.**

Ўзбекистон автомобилсозлиги миллий иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётди. Бугунги кунда ушбу тармоқ олдида рақобатбардор ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқариш, истеъмолчилар эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда, уларни ишлаб чиқариш хажминини ошириш ва моделла-

ширилиши Ўзбекистонда MAN русумидаги техника ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплексни ташкил этишнинг иккинчи босқичи бўлди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Ёлқин Қобулиёзовнинг таъкидлашича, 2011

# «MAN-UZBEKISTAN»!

## МАҚСАД — САМАРАДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ

рини мунтазам янгилан, турли автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрлашни ўзлаштириш каби кенг қўламли вазифалар қўйилган.

Бундай вазифаларни давр талабига қўра ва автомобилсозлик технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ҳал этиш мақсада мувофиқдир. Яқинда ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий ва ишончли MAN юк машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Йил охирида корхонанинг ишлаб чиқариш линияси атиги тўрт русумдаги юк машинасидан иборат бўлган бўлса, бугун 50 турдан ортиқ махсус юк машиналари ва махсус техника ишлаб чиқарилаётди. Компания бундан кейин ҳам турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришда миқозларнинг ётақларини алоҳида эътиборга олади.

Айниқса, корхонада ишлаб чиқарилаётган автокранлар, боргли машиналар, изометрик фурголар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоритич, буёдой, пахта ва чиқинди ташиш машиналарига талаб катта.

### ҚУРИЛИШ ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН

Президентимизнинг 2011 йил 16 февралда қабул қилинган «Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси қурилишига асос солинди.

Самарқандда атиги олти ой ичида MAN дилерлик ва сервис маркази ташкил этилди. Қисқа вақт давомида оғир юк кўтарадиган автомобилларини техник кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш, механик, электр техник ва пиналарни монтаж қилиш ишларини амалга ошириш учун замонавий сервис корхонаси фаолият йўлга қўйилди.

Ушбу иқтисослантирилган марказ бир йилда 1,5 мингдан ортиқ юк автомобили ва махсус техникани таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Келажакда бу кўрсаткичнинг йилга 4 мингга юк автомобили ва автобуста етказиш кўзда тутилади.

Бундан ташқари, унинг ҳузурда ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига сервис хизмати кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Бу ерда хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича MAN ProfiDrive махсус дастури асосида оғир юк кўтарадиган техника хайдовчилари тайёрланмоқда. Хайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш эса ёқилнинг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

### РИВОЖЛАНИШ

2012 йилнинг июль ойида Самарқандда таягач, шасси ва махсус техника ишлаб чиқарилган янги заводнинг ишга ту-

Жорий йилда корхонада 25-30 тонна юк кўтарадиган самосваллар, комбинацияланган йўл машинаси, 25 метр куб сиримга эга FAUN чикинди ташиш машинаси, 6 ва 8 метр куб сиримга эга Betamix миксерлари ҳамда 35 метр куб сиримга эга цемент ташиш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

MAN юк машиналарининг қудратини автомобиль ва темир йўлларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шаҳарлараро юк ташишда кўриниш мумкин. Улардан «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, GM Uzbekistan, «Махсустрэкс» давлат унитар корхонаси, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ангрен» логистика маркази, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» очик акциядорлик жамияти, Павоний ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинатлари ва бошқа қўллаб қорналлар, жумладан, ҳусусий компаниялар самарали фойдаланмоқда.

Заводда ишлаб чиқариш хажми йил сайин кенгайиб бораётди. 2010 йилда корхонада 480 дона юк машинаси ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 658, 2012 йилда мингдан ортиқини ташкил қилди. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганидан буён бу ерда 3100 дан зиёд замонавий юк машинаси ишлаб чиқарилган.

Бугунги кунда Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Урганч шаҳарларида жойлашган корхонанинг тўққизта дилерлик ҳамда сервис марказида заводда тайёрланган MAN юк машиналарини харид қилиш мумкин ва уларда сифатли техник хизмат кўрсатиш мумкин. Яқин вақт ичида бундай марказлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» автомобиллари мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва ишончлиги билан ажралади. Компания ишлаб чиқарган маҳсулот учун икки йил қаролат беради. Бу эса истеъмолчи учун нихоятда муҳимдир. Шу боис корхонада тайёрланаётган тех-

Президентимизнинг 2011 йил 16 февралда қабул қилинган «Оғир юк кўтарадиган автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси қурилишига асос солинди.

ника конвейернинг ўзидаёқ сотилимоқда. Бунга Самарқандда жойлашган MAN техникасини ишлаб чиқариш ва сотишдан кейин хизмат кўрсатиш бўйича универсал комплекста борганимизда ишонч ҳосил қилдим.

Корхона фаолият бошлаганидан буён бир йил ўтмасдан туриб ўзининг мингичи юк машинасини ишлаб чиқарди. Бу корхона жамоаси ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Улар MAN юк автомобилларига талаб кун сайин ортиб бораётгани боис хали қилинадиган ишлар қўлингизни яқин билади. Экспорт қўламини ҳам кенгайиб бораётди. Самарқандда ишлаб чиқарилган юк машиналари Озарбайжон, Афғонистон, Қозғистон, Туркменистон ва бошқа давлатларга етказиб берилди.

Жорий йил кузда «MAN Truck and Bus AG» компанияси бош ижрочи директори Андрес Олоф Нильсен раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. Концерн раҳбариятининг ташрифидан вақтинча мамлакатимиз ва минтақада «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасида MAN юк автомобилларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишлари ҳам бошланди. Айни пайтда маҳаллийлаштирилган деталларнинг бир қисми Германияда MAN талабларига мувофиқлик бўйича сновдан ўтказилмоқда.

Маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш мақсадида шу йил 11 октябрда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде «MAN автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» мавзусида тақдирот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилган компанияларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрлаш режалаштирилган деталлар рўйхати билан таништириш учун ташкил этилди.

Ушбу тадбирда MAN юк машиналари учун маҳаллийлаштириш таклиф этилаётган маҳсулотлар рўйхати билан танишиш мақсадида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида GM Uzbekistan ва SamAvto автомобиллари бутловчи эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқараётган икки юздан зиёд қўшма ва ҳусусий корхона раҳбарлари ҳамда техник мутахассислар иштирок этди.

### ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Самарқандга кираверишда MAN сервис ва дилерлик маркази ҳамда йиғиш заводининг замонавий корпуслари қўзғат ташланади. Бу марказ бинолари шаклининг ўзига ҳослиги, атрофи чиройли қилиб безатилгани, энг муҳими, ҳовлида истеъмолчиларга жўнатиш учун тайёр қилиб қўйилган MAN юк машиналарининг тизимли туриши барчанинг эътиборини ўзига тортади. MAN саноат комплексининг умумий майдони 44 гектардан иборат. «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси йилга 3 мингдан зиёд юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида бу ерда иккинчи йиғиш линиясини ишга тушириш ва бир йилда 15 мингга машина ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Завод ҳудудига киришингиз билан сотиш учун тайёрлаб қўйилган янги автомобиллар диккатингизни тортади.

Ушбу машиналар ишлаб чиқариладиган цехни ҳам қўздан кечирдим.

MAN заводи йиғиш цехининг бошлиғи Абдумалик Абдвоҳидов катта юк машиналарини ишлаб чиқаришнинг бир қисми Германияда ҳақиқда сўзлаб берди. У билан бирга шассини йиғиш ва бўяш жараёнлари амалга ошириладиган, двигатель, трансмиссия ва гилдираклар ўрнатиладиган ва тўлиқ йиғилган автомобиллар сновдан ўтказиладиган барча 18 станцияни айтаётган чикдик. Завод энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Станцияларнинг жойлашуви ҳар томонлама пухта ўйлангани кишини ҳайратга солади. Айниқса, улкан машина рамасига двигатель, кабина ва барча узеллар тез ҳамда аниқ монтаж қилинаётгани кишида катта таассурот қолдиради. Бу ерда ана шундай схема асосида ҳар куни 12-15 машина йиғилади.

Абдумалик Абдвоҳидовнинг айтишича, конвейердан бир пайтнинг ўзида харидорларнинг алоҳида буюртмаси асосида турли русумдаги юк машиналарини қўшиши мумкин.

Заводда технологик жараённи кузатиш бўйича ноёб компьютерлаштирилган тизим қўлланилмоқда. Ҳар бир станцияда ўрнатилган 32 доймилли мониторлар чизмалар, ҳар бир русумдаги машина ва уларга ишлов бериш бўйича қўламанма ҳақида батафсил ахборот акс эттирилган. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, йиғиш жараёнида хатога йўл қўйишнинг олдини олади.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси бўйлаб экскурсия сўнида менга хазиргина конвейердан чиққан MAN TGS 19.400 таягачда айлана келишни таклиф этишди. Биз машина тест сновидан ўтказиладиган майдонга чикдик. Снов аъло даражада ўтди. Та-

ассуротларни сўз билан ифода қилиш қийин. Негаки, MAN юк автомобилларида юқори даражада қўлайлик, бежирим дилар ва шиналик мужассам эканига гувоҳ бўлдим. Айнан ушбу жиҳатлари, шунингдек, тежамкорлиги ва ишончлиги учун ҳам ушбу машиналарга талаб катта.

### КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

Заводда маҳсулот сифати ва ишончлигини таъминлаш учун барча шароит яратилган. Замонавий ускуналар, илғор технологиялар ва малакали ходимлар билан таъминланган. Техникадан фойдаланиш яқини, аммо ушбу мураккаб жараёнда ўзининг билим ва салоҳиятини ишга солиб меҳнат қилаётган малакали ишчи-ҳодимлар муҳим ўрин тутди.

Юқори малакали кадрларни шакллантириш корхона ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасида қарийб 300 киши меҳнат қилаётди. Улар орасида ёшлар ҳам қўнчилиқни ташкил этади. 2013 йилда 45 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси жиддий снов ва танловдан ўтиб, ишга қабул қилинди ва яна 120 нафарга яқин талаба амалиёт этади.

Корхона кадрлар тайёрлаш масаласи юзасидан Турин политехника университети, Самарқанд автомобилсозлик ва Жомбой транспорт касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилмоқда, истеъодли ёшларни иш билан таъминламоқда.

Улардан бири Зокиржон Зарипов бу йил Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежини битириб, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасига ишга қабул қилинди. Унинг айтишича, танловдан ўтиш жуда қийин бўлган. Негаки, бундай замонавий корхонада ишлаш истагида бўлган

ёшлар кўп. Бугун у йиғиш цехида меҳнат қилмоқда ва ўз ишдан мамнун.

Дарҳақиқат, заводда меҳнат маданияти юқори, ишчи-ҳодимлар ўзаро аҳил ва самимий. Шунинг учун ҳам жамоа MAN бренди остида чиқаётган маҳсулотдан истеъмолчи мамнун бўлиши ва муносиб баҳолаши учун унинг сифати юқори бўлиши таъминлаш масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда самарали меҳнат қилмоқда.

Корхонанинг пухта ўйланган ижтимоий снэсати юқори ишлаб чиқариш стандартларини сақлаш имконини бераётди. Махсус иш кийими, иссиқ овқат, тиббий ёрдам билан таъминлангани, мунтазам малака ошириш ва рабатлантириб бериш йўлга қўйилгани жамоани янада самарали меҳнат қилишга ундаб, иш унумдорлигини оширишга ёрдам бераётди.

### МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Самарқандга сафар давомида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг «UzAuto Trailer» шўъба корхонасида ҳам бўлдим. Ушбу завод қурилиши Ўзбекистонда оғир юк кўтарадиган MAN автомобилларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплексини барпо этишнинг якуний босқичи бўлди. Корхонанинг асосий вазифаси кузов ва ярим тиркамалар, контейнер, автомобиль ташиш машиналари, тентли ярим тиркама ва бошқа техника ишлаб чиқаришдан иборат.

Айни пайтда бу ерда самосвал кузовлари ишлаб чиқариламоқда. Тентли тиркама ва ярим тиркамалар снэс тартиқсизда ишлаб чиқарилаётди. Патижада MAN заводида йиғилган шассилар янги корхонада жиҳозланиб, конвейердан тайёр самосвал ва тентли фурголар қўришида истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Заводнинг ишлаб чиқариш майдонларида металл, лист ва профиль прокатта ишлов берилиб, MAN шассисиданги усти ёпик ва тиркама техникани пайвандаш, монтаж қилиш ишлари амалга оширилиб, тайёр техника сновдан ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқариш майдонининг катта қисмини лист ва профиль металл прокатини қилиш ҳамда унга ишлов бериш участкаси ташкил этади. Бу ердаги ускуналар ўзининг улканлиги билан кишини ҳайратга солади. Технологик жараён тўлиқ автоматлаштирилган.

Махсус таълим олган ёшлар мураккаб конструкцияларни мунтазам кузатиб боради. Улар ўз ишни аъло даражада урдалашгани туғайди ҳар бир деталь пухта тайёрланади. Масалан, Оқдарё сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Павлўз Бахромова яқинда механика-йиғиш цехига чилангар бўлиб ишга кирди. У коллежда ўқиш давомида эғалланган назарий билиминини бу ерда амалда самарали қўлламоқда.

Юқаск технологияли ишлаб чиқариш, сифатли техника, юқори ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболига эга оғир юк автомобиллари ишлаб чиқаришга замонавий «JV MAN Auto-Uzbekistan» ва «UzAuto Trailer» корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг янги тармоқини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ

© zLiDeP Снэсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Шўртангазим» мажмуаси директори Алишер Султановга онаси **Людмила Николаевна ГОРБОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«XXI ASR» иқтимоий-снэсий газетаси жамоаси © zLiDeP Снэсий Кенгаши аъзоси, сенатор Алишер Султановга онаси **Людмила Николаевна ГОРБОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

**Ўтган ҳафта давомида**

республикамизда жами 267 та ёнгин қайд этилиб, улар оқибатида тўрт киши турли даражадаги куйиш жароҳатларини олган



О'ЗБЕК ФАОВИЯТИ, партия турмуши ва партиясининг таъин бўлини — БУТлар фаовиятидан авваллар, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган энг сўнгги янгиликлар «XXI ASR» иктимий-сиёсий таъин саҳифаларида

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 31 октябрь-6 ноябрь кунлари республикамиз бўйича ҳаво булутлиани турса-да, ёмғир ёғмайди.



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида дам олиш кунларига қадар кечаси 0-6, кундузи 14-16 даража илиқ, 4-6 ноябрь кунлари эса кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 11-13 даража илиқча пасаяди. Навоий ва Бухоро вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 1-5, кундузи эса 13-18 даража илиқни кўрсатади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 2-6, кундузи 12-16 даража илиқ бўлса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ҳарорати тунда 3-7, кундузи эса 15-18 даражани ташкил этиши кутилмоқда.

Анджон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳаво булутлиани туради. Ҳарорат кечаси 2-4, кундузи 11-13 даражадан ошмайди. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат тунда 2-6, кундузи 14-17 даража илиқ бўлади.

Тоғли худудларда ҳарорат кечаси ўртача 2 даража совуқ ва 3 даража илиқни ташкил этса, кундузи термометрлар 1-6 илиқни кўрсатади.

Реклама

**LADA БИЗНЕС**  
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

Реклама

**«NAVOIYAZOT»**  
O'SHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ЭД-20 УНИВЕРСАЛ ЭПОКСИД-ДИАНЛИ СМОЛАНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

ЭД-20 универсал суюқ эпоксид-дианли смолани куйидаги соҳаларда кенг қўлланилади:  
— зангламайдиган лок-бўёқ, универсал елим ва герметик ишлаб чиқаришда;  
— куйма поллар ишлаб чиқаришда;  
— химоя қобик сифатида,  
— ойна учун бириктирувчи компонент ҳамда углепластик махсулотлар, юқори кучланишда ишлатиладиган изоляциялар таркибида сув ўтказмайдиган бирикма сифатида;  
— заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришда;  
Эпоксидли смолани металл ҳамда нометалл юзаларда қўллаш мумкин.  
Эпоксидли смоладан қилинган қопламалар сув, ишкор ва кислотлага чидамли.

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5,  
Факс: (+99879) 223-75-80. Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99,  
e-mail: [market@navoiyazot.uz](mailto:market@navoiyazot.uz)  
СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-21-68,  
e-mail: [sale@navoiyazot.uz](mailto:sale@navoiyazot.uz)

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

**«ЎТГАН КУНЛАР»ДА ҚАССОБЛАР ЧЕМПИОНАТИ**

Тошкентдаги Абдулла Қодирий номи истироҳат боғининг «Ўтган кунлар» чойхонасида моҳир қассоблар ўртасида ўзига хос мусобақа ташкил этилди.

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасидан маълум қилинишича, Халқаро ошпазлар кунига бағишлаб ўтказилган кечага йиғилганлар 15 нафар профессионал қассобнинг гўштни нимталаш, қадоклаш ва ҳар хил таомларга мос равишда қайта ишлашларини томоша қилиш баробарида, йирик рестороанларда хизмат қилаётган 50 нафардан ортик малакали ошпаз иширокидаги «мастер-класслар»ларга ҳам гувоҳ бўдилар. Тадбирда байрам ортик малакали ошпаз иширокидаги «мастер-класслар»ларга ҳам гувоҳ бўдилар. Тадбирда байрам ортик малакали ошпаз иширокидаги «мастер-класслар»ларга ҳам гувоҳ бўдилар.

Қизилқарни тадбир давомида Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси томонидан гўштни аънавий усулда қайта ишлаш технологиялари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилгани, энг муҳими, улар натижасида «Қассоблар учун қўлланма», «Қассобликка оид атамалар лўғати» каби наشرларни тайёрлашга киришилгани таъкидланди.

Тадбир якунида чемпионатнинг «Йилнинг энг яхши қассоби», «Энг моҳир қассоб», «Энг яхши аънавий қассоб» каби номинацияларида голиб бўлганлар ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.



**ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ**

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги обод ва саришта маҳалларидан бири «Пахтакор» деб аталади. Бу ерда кўпчиликка намуна бўладиган, обрў-эътиборга лойиқ оилалар талай. Аҳмаджон ака Маҳмадалиев хонадони ана шундай оилалардан биридир.

Аҳмаджон ака 1954 йили Алоқа техникумини битирган, Хоразм вилоят алоқа корхоналарида иш олиб борди. Сўнг Тошкент Алоқа-қурилиш бошқармасида техник ходим вазифасида 38 йил сиққидилан меҳнат қилиб, кўплаб ишларни еттиштирди. Аҳмаджон ака айни пайтда «Пахтакор» маҳалласи маслаҳатчиларидан бири.

Турмуш ўртови Меҳринисо она билан икки ўғил, уч қизи тарбиялаб вояга етказишди. Катта ўғли Қаримжон ака Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам автобазасида механик бўлиб ишлаб келяпти. Озод юртнинг обод оиласи бўлган бу хонадонда 25 неара ва 13 эвара камол топяпти.

**ҲОКИМ ПОЙТАХТНИ ИСИТИШ ВАҚТИ КЕЛГАНИНИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати 28 октябрь куни 2013-2014 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик қўриш мақсадида шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар иссиқлик манбаларидан айланма ҳаракати ишга тушириш тўғрисида»ги 840-сонли қарори қабул қилинганини маълум қилди.

Унга мувофиқ, «Тошкент иссиқлик электрмаркази» ОАЖ, «Toshkent issiqlik markazi» ОАЖ, «Тошиссиқуввати» ИЧБ унитар корхоналарига шаҳар ҳўжалигини 2013-2014 йилги иситиш мавсумига тайёрлаш дастурига биноан 28 октябрдан бошлаб шаҳар иссиқлик манбаларидан иссиқлик муҳитининг айланма ҳаракатини ишга туширишни таъминлаш топширилди.

**«101» ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

**СИГАРЕТАДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати ўтган ҳафта давомида республикамизда жами 267 та ёнгин қайд этилиб, улар оқибатида тўрт киши турли даражадаги куйиш жароҳатларини олганини уч киши эса ҳаётдан кўз юганини маълум қилди.

Ўт ўчирувчиларнинг тезкор сазй-ҳаракатлари билан қариб 905 млн. сўмлик курилиш конструкциялари ҳамда тахминан 710 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар сақланиб қолган.

Ажабланарлиси, аксарият ёнгинлар аҳолининг оддий хавфсизлик қоидаларига риоя этмасликлари туфайли юзага келгани таъкидланмоқда.

Хусусан, тошкентлик фуқаро, 1963 йилда туғилган Л.Павловнинг маст ҳолда сигарет чекиб, ётоғида ухлаб қолиши оқибатида хонадонга ўт кетган. Яхшиямки, уй деразаларидан тутун чиқаётганини кўрган қўшнилари шу заҳоти ўт ўчириш хизматига кўнгирок қилишган. Зеро, ўз вақтида етиб келган кутқарувчилар хонадон эгасини кутқариб, оловни ўчиришга муваффақ бўлишган. Яна бир нохуш воқеа Сурхондарёда рўй берган. Деновлик Мансур исмли фуқаро ошхонадаги газ плитасини ёқаётганида кутилмаганда чакнаш содир бўлиб, йиғилиб қолган газ ёна бошлаган. Оқибатда хонадон эгаси турли даражадаги куйиш жароҳатлари билан шифохонага ётқизилган. Ўт ўчирувчиларнинг таъкидлашича, чакнаш газ плитасининг яроқсиз ҳолга келиши оқибатида юзага келган.

**ҚИЗИҚАРПИ ХАБАРЛАР**

**АВВАЛ «ВИЖДОН», КЕЙИН «ТОҒА»**

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томошабинлар эътиборига бир қатор янги бадий фильмларни ҳавола этишни режалаштирмоқда. Агентлик матбуот хизматининг хабар беришича, яқин кунларда пойтахт кинотеатрларида маҳаллалар, аниқроғи, жонкуар оқсоқоллар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Виждон» (сценарий муаллифлари, Хуршид Дўстмуҳаммад ва Абдуқамол Йўлдошев, режиссёр Аҳмаджон Унарбоев) ҳамда йул ҳаракати хавфсизлиги ҳодимлари фаолиятини акс эттириши «Лойта» (сценарий муаллифи Шоира Ғиёсова, режиссёр-оператор Абдувоҳид Ғаниев) фильмларининг премьераси бўлиб ўтади.

«Кудук», «Хонадон эгаси», «Бекатдаги одам», «Зиёда» бадий фильмлари эса шу кунларда овозлаштириляпти.

Болаларга мўлжалланган, шартли равишда «Сехрли калмакча-2» деб номланган киноасар, шунингдек, «Мен ёнингданман», «Тоғ», «Зарба» номи тўлиқ метражли фильмлар тасвирга олинмоқда.



**МИНОРА ҚУЛАШДАН ТЎХТАДИ**

Италиянинг машҳур осори атиқалардан бири — Пиза минораси таъмирлаш ишларидан сўнг паства эмас, бир неча сантиметр юқорига кўтарилди.

«Кулаётган машҳур минора кундан-кунга ўзига хос сифатини йўқотиб бормоқда. Яъни, 25 миллион евролик таъмирлаш ишларидан кейин сажиз қаватли кўнгироклар минораси биров бўлса-да қаддини тиклаб олди» деб ёзади Daily Mail нашри.

Маълумотларга кўра, бундан ўн йилча аввал минора жойлашган майдондаги майса қатламга остига мўъжаз йўлақлар тизими ва посангилар ўрнатилган бўлиб, кўп ўтмай, улар самара бера бошлаган.

Хусусан, таъмирлаш ишларидан аввал миноранинг ҳар йили тахминан 1 миллиметрга кулаётгани аниқланган бўлса, бино остига ўрнатилган ҳаракатларни ўлчайдиган махсус қурилма ўтган ўн йил давомида обода 2,5 сантиметрга тўғриланигани аниқланган.

Шу ўринда XII-XIV асрлар оралиғида бунёд этилган минора кулаш хавфи ортгани сабабли 1990 йилда вақтинча сайёҳлар эиёрати учун ёпиб қўйилгани, бир неча йиллик таъмирлаш ишларидан сўнггина (2001 йил) очилгач, йилига тахминан 1 миллион нафар меҳмонни қабул қила бошлаганини айтиш жоиз.

**ВАҚТИНГИЗ БЎЛМАСА, АЙИҚЧАНГИЗ САЁҲАТГА ЧИҚСИН**

Японияда юмшоқ ўйинчоларни Кунчикар юрт ва бутун дунё бўйлаб уюштирилдиган саёҳатларга жўнатилган антика компания фаолият кўрсата бошлади. Маълум бўлишича, бу турдаги йўлланмаларнинг энг қиммати бахмал айиқча эгасига 55 АҚШ долларига тушади.

Гап шундаки, асосан соғлиги ёки жуда бандлиги сабабли саёҳатга чиқа олмайдиган японияликларга хизмат кўрсатадиган «Unagi Travel» компанияси экскурсияга уларнинг сеvimли ўйинчоларини жўнатишга қарор қилган. Ўз навбатида, сайёҳлик компанияси ҳодимлари айиқчаларнинг «дам олаётган» жойларида тушган фотосуратларини эгаларига жўнатишни ваъда қилмоқда. Шу тариқа ўйинчоқ соҳиблари ҳам ўзларини ўша гўзал ва мафтункор жойларга бorganдек хис қилиши имкониятига эга бўладилар.

Ҳабарларга кўра, турфирма шу вақтга қадар 200 дан ортик «бахтли» айиқчаларни Япония ва дунё бўйлаб сайр қилдирган.